



XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 10 май, сешанба
19 (391)-сон,
E-mail: axborot@xasr.org

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

БУ БУЮК ВАТАНДА ИНСОН УЛУҒ, ХОТИРА — МУҚАДДАС

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАБУСИ БИЛАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН, УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН. АНА ШУ ЭЗГУ МАҚСАД ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ҲАЁТИМИЗДА МУСТАҲКАМ ЎРИН ЭГАЛЛАДИ, ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ, ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҲАЁТИДА ЎЗИНИНГ МУСТАҲКАМ ИФОДАСИНИ ТОПДИ. ЗОТАН БУГУН ЎЗБЕКИСТОН ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ЭРКИНЛИГИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ УЛУГЛАНАДИГАН БУЮК МУСТАҚИЛ ДАВЛАТГА АЙЛАНДИ.



Солмак ЗОИР соғина сураган

ТАРИХИЙ ХОТИРА — БУ АВВАЛО ҲАЁТ МАЗМУНИНИ, АВЛОДЛАР ЎРТАСИДАГИ ВОРИСЛИК ТУЙГУСINI АНГЛАШ ДЕМАКДИР. УЗОҚ-ЯҚИН ЎТМИШДА СОДИР БЎЛГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРДАН БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУН УЧУН ЗАРУР САБОҚ ВА ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИБ ЯШАШ ДЕМАКДИР.



Хотира ва қадрлаш — халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ ғазилларидан. Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғидадир. Ана шундай мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганларга, жанг майдонларида жонини фидо қилган боболаримиз, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуруний момоларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида

янгича маъно-мазмун билан бойли.

Бу жиҳатлар юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларда, она дийрмизидни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойий юртдошларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиромда янада яққол намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 22 апрелда қабул қилинган «Ик-

кинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат

фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташир буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб ватандошларимиз хоти-

расига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун бутун халқимиз 9 май санасини — фашизм устидан қозонилган буюк ғалабанинг 66 йиллик байрамини кенг нишонламоқда. Бу қўтлуғ сана билан авваломбор сафимизда соғ-омон яшаб келаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам фахрийларимизни, барча-барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий табриклайман, — деди Ислам Каримов.

Маълумки, 1999 йилдан 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш кунини сифатида нишонлаймиз.

Хотира, қадр деган тушунчалар азал-азалдан эл-юртимизнинг тафаккури, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб келади. Узини, ўз эл-юртининг ўтмишини, тарихини эсламайдиган, билмайдиган, ўз хотирасида сақламастан яшайдиган одам боласини, онгли инсонни тасаввур қилиб бўлмайди.

Хотира деганда, барчамиз қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган муқаддас туйғуни тушунаемиз. Чиндан ҳам, ўтганларни хотирлаш, уларнинг руҳини ёд этиш халқимиз

учун асрлар давомида эзгу анъана, эзгу олатга айланиб қолган.

Тарихий хотира — бу аввало ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир, деди давлатимиз раҳбари. Узоқ-яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшаш демакдир. Ўз болалари ва авлодларига, уларнинг онгу шуурига аждошлар руҳига ҳурмат ва эҳтиром туйғуси билан яшашни синдириш демакдир.

2 >>>

Эзгу амаллар ижобати

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ — КЕЛАЖАК ЙЎҚ. ҚАЛБИ МЕҲР-МУРУВВАТГА, САҲОВАТ ВА ШАФОАТГА ТЎЛА ИНСОНЛАРГИНА ЎЗ ТАРИХИНИ, АҲДОДЛАРИНИ ДОИМО ХОТИРЛАЙДИ. ФИДОЙИ ЮРТДОШЛАРИ, ЁРУҒ КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТАДИ. МОҲИЯТИГА КЎРА АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИ ЎЗИДА ЖО ЭТГАНИ УЧУН ҲАМ 9 МАЙ ТОМ МАЪНОДА ХАЛҚИМИЗ ДИЛИДАН ЖОЙ ЭГАЛЛАДИ

Меҳриддин МУҲАММАДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'ZLiDeP фракцияси аъзоси

Собиқ иттифоқ мафкураси халқимизнинг мингйиллик анъана ва қадриятларини оёқости қилишга боргани ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Ушанда сиёсий мафкурадан бутунлай холи Наврўз ҳам диний маросим сифатида қораланган эди. Асрлар оша халқимиз учун қадамжо бўлиб келган зиёратгоҳлар у ёқда турсин, одамлар ҳатто ўз қавму қариндошлари ётган мазорларга ҳам яқинлашишдан чўчиб қолгандилар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин эса ана шундай масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизнинг ўз тараққиёт йўли белгилаиб, унинг марказида инсон омили — шаъни ва қадр-

қиммати энг олий қадрият экани қонунан мустақамлаб қўйилди. Хусусан, "...мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш. Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган"ни Юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда 9 майнинг Хотира ва қадрлаш кунини сифатида нишонланиши, айтиш мумкинки, худди ана шундай қарашлар маҳсули бўлди. Унинг замирида инсонга хос энг олий туйғулар мужассамдир. Эзгу анъаналар тўла сақлангани ҳолда, бугун мазкур сана янгича мазмун ва моҳияти жиҳатидан янада кенг қўлам касб этмоқда. Қабристонларни тартибга келтириш, аждошларни хотирлаш, қадамжоларни обо-

донлаштириш, кексалар ва беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш Хотира ва қадрлаш кунининг асосий амалларига айланган.

Қўтлуғ сана муносабати билан уруш қатнашчиларининг моддий томондан рағбатланти-

рилаётгани, хусусан, Президентимиз фармони билан уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилгани ҳам юртимизда инсон манфаатлари, унинг шаъни ва қадр-қиммати устувор қадрият эканига яна бир далил бўлди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 3 МАЙДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОВИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	↑ 1853,43
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2825,57
1 Дания кронаси	↑ 336,32
1 БАА дирҳами	↑ 461,46

1 АКШ доллари	↑ 1694,80
1 Миср фунти	↑ 285,08
1 Исландия кронаси	↑ 15,29
1 Канада доллари	↑ 1787,76

1 Ҳитой юани	↑ 261,16
1 Малайзия ринггити	↑ 572,37
1 Польша злотийси	↑ 636,78
1 СДР	↑ 2747,46

1 Туркия лираси	↑ 1113,46
1 Швейцария франки	↑ 1952,76
1 ЕВРО	↑ 2490,30
1 Жанубий Корея вон	↑ 15,88

1 Япония иенаси	↑ 208,05
1 Россия рубли	↑ 61,62
1 Украина гривнаси	↑ 212,77

Шукрона

МАРҲУМЛАР ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИШ, ЭЪТИБОР ВА ИЗЗАТДА ҲАЁТ КЕЧИРАЁТГАН НУРОНИЙ ОТАХОН ВА ОНАХОНЛАР ҲУРМАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТДИР. ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН О'ZLiDeP ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТАШАБУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН БАРЧА ТАДБИРЛАРДА ҲАМ АЙНАН АНА ШУ ХИСЛАТЛАР ИШТИРОКЧИЛАР ТИЛИ ВА ДИЛИДА БЎЛДИ

Кекса авлод вакиллари учун муносиб турмуш шaroити яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Президентимиз раҳна-

молигида олиб борилаётган сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб, бу мамлакатимизда нафақат давлат ташкилотлари, сиёсий партиялар

ва жамоатчилик вакиллари, балки ҳар бир фуқаронинг ҳам муқаддас бурчига айланган.

2 >>>

Унутмас мени, боғим...

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МАРОСИМ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ЖОЙЛАРДАГИ БУЊЁДҚОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШДАН БОШЛАНДИ

Шундан сўнг Хотира майдонидаги Мотамсаро она ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйилди, жанг-ғоҳларда ҳалок бўлганлар хотираси бир зум ёдга олинди.

Таъкидлаш жоизки,

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 1 млн. 433 мингдан зиёд юртдошларимизнинг қарийб 200 минг нафарини самарқандликлар эди. Шундан 100 минг нафардан ортинги фронтларда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Бугунги кунда вилоятда 800 нафардан ортиқ иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, 14500 нафар фронт ортида меҳнат қилганлар қарилх гаштини суришмоқда.

2 >>>

Бу буюк Ватанда Инсон улуг, хотира — муқаддас

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Иккинчи жаҳон уруши, унинг жароҳатлари эл-юртимиз хотирасида умрбод сақланади. Кўпини кўрган, жафокаш халқимиз бу урушда не-не асл фарзандларидан, оиланинг таянчи ва сунъчи бўлмиш қанча-қанча навақирон ўғлонларидан жудо бўлган, деди Ислам Каримов.

Агар уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда бевосита иштирок этган. Ёш гўдак ва болаларни, қаришлар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлига қурол олиб, жанг жараҳатлари қатнашган. Ва бу даҳшатли қирғинда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, эришилган ғалабанинг қадр-қиммати нечоғли баян экани, Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашга қандай катта ҳисса қўшгани яққол аён бўлади.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслигини истардим, қолаверса, талаб қилардим, деди Президентимиз.

Ишончим комил, бу мард ва жасур юртдошларимиз қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш учун эмас, аввало фашизм балосини юртимиз оstonасига йўлатмаслик учун, ўзининг ота-онаси, суюкли ёри, азиз фарзандлари, ёру дўстларини, эл-юртини ҳимоялаш, асраш учун жангга кирган, жон фидо қилган.

Шунинг учун ҳам бу даҳшатли уруш этказган оғир жараҳат, битмас яра бўлиб, ҳеч қачон хотирамиздан ўчмайди. Юртимизда бирон-бир оила, бирон-бир хонадон йўқки, кимидир бу урушда қатнашмаган бўлсин, бу уруш уларнинг бошига кулфат келтирмаган бўлсин. Бу муҳиш қирғин туйғайли қанча аскарлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган, қанча аёллар бева, минглаб болалар етим бўлиб қолган.

Табииyki, ҳар бир оила жанг майдонларида қурбон бўлганлари, бедарак кетганларни, ўз аждодининг хотирасини қанча йиллар ўтса ҳам армон билан эслайди.

Бугун пойтахтимизда, вилоят, шаҳар ва туман марказларида барпо этилган мана шундай гўзал Хотира майдонларида урушда

жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганлар, фронт ортида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган матонатли инсонларнинг азиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Бир сўз билан айтганда, хотира туйғусининг асл маъноси бугунги тинч-осуда, эркин ҳаётга биз осонликча эришмаганимизни, бу ёруғ кунлар осмондан тушмагани, қандай оғир машаққат билан қўлга киртилганини доимо эслатишни ифода этади.

Бугунги айёмнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у бир-биримизни, авваламбор, сафимизда тетик бўлиб юрган уруш қатнашчиларини қадрлаб, уларга меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга даъват этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 8 минг 600 дан ортиқ уруш қатнашчиси ҳаёт кечирмоқда. Муҳтарам фахрийларимизнинг ҳаётини мазмунли қилишга, умрини узайтиришга қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар кунни, ҳар соатда ғам-хўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш барчамиз учун, авваламбор, раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз керак, деди Юртбошимиз.

Хотира ва қадрлаш маросимининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у барчамизни бугунги нотинч ва таҳликали дунёда доимо сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинч-осойишта ҳаётимизнинг, мусоффо осмонимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Шу маънода, дунёнинг айрим мамлакатларида бугун қандай низо ва қарама-қаршиликлар пайдо бўлаётганини унутмаслигимиз даркор. Мисол учун, мана ён қўшнимиз — Афғонистонда 30 йилдан буён уруш давом этмоқда.

Биз бундай нотинчликлардан тегишли хулосалар чиқаришимиз, юртимизда ҳужм сураётган тинчликни, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимизнинг энг катта бойлиги — бағрикенглик, меҳр-оқибат. Биз бу бағрикенгликни, меҳр-оқибатни доимо асраб-авайлашимиз зарур.

Биз ўз олимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, дунёдаги ривожланган, демократик давлат-



Хотира майдонларида урушда жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганларнинг хотираси сақланади.

лар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш ҳақида гапирганда, бу йўлда бизнинг таянчимиз, сунъчимиз бўлган ёшларни миллий гоёмиз руҳида, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод этиб тарбиялаш — ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Яқинда Сурхондарё вилоятида бўлиб, ёшлар билан суҳбатлашганимизда, кунни кеча у ерда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларини телевидение орқали кузатганда кўпчилик қатори мен ҳам қўзлари ёниб, ғайрат-шижоатга тўлиб турган навақирон ўғил-қизларимизга боқиб, катта гуруру ва ифтихор туйғусини ҳис этдим, деди давлатимиз раҳбари.

Энг замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга бўлиш, ўз қадр-қимматини

англаш, ҳеч кимдан кам бўлмасликка, маррани баян қўйиб яшашга интилиш фарзандларимизнинг ички дунёсига тобора сингиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, барча уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимизни, бугун халқимизни бугунги қўтлуғ байрам билан яна бир бор табриклаймиз. Барча ватандошларимизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад тилайман, деди Ислам Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу кунни анвойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, фарзандларининг порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо

этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов шу кунни пойтахтимиз марказида бунёд этилаётган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биносига амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва гоёси асосида бунёд этилаётган ушбу бино архитектуравий муҳандислик очимига кўра ноёб иншоотдир.

Ушбу иншоот бугунги ва келажак авлодларга хизмат қиладиган даражада мустаҳкам ва муҳташам бўлмоғи зарур, — деди Юртбошимиз.

(ЎЗА)

Шукрона

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

— Юртбошимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони эса бу борадаги кенг қўламли ишларга бугун жамоатчилик этиборини қарати, — дейди O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Миржамол Мирсаидов. — Жумладан, Мухлиса Акрамова, Дилшод Шоумаров, Мурод Икромов ва Абдусамал Саидвалиев Уттепа ва Яккасарой туманларидаги маҳаллаларда истиқомат қиладиган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиб, уларга партианинг эсдалик соғваларини топширдилар.

— Миробод туманида 151 нафар уруш қатнашчиси истиқомат қилмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Ботир Усмонов. — Улар нафақат байрам кунлари, балки ҳамisha этибор ва ардоқлар. Фахрийларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда партия электорати бўлган маҳаллий тадбиркорлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Тантаналар арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан ша-

ҳарлараро ва халқаро кўнгироклар карточкаларидан бепул фойдаланишда имтиёз берилгани ҳам ўзига хос рағбат бўлди.

Хотира ва қадрлаш кунини арафасида O'zLiDeP Олмазор туман кенгаши ҳам хайрли ишга қўл урди. Партия фаоллари ташаббуси ва тадбиркорлар ҳамийлигида тумандаги 50 нафар фахрий Самарқанд шаҳрига зиёратга юборилди. Юнусобод туман кенгаши эса «Биллолловон» хусусий корхонаси ёрдами билан «Шарқ ҳақиқати» маҳалла гузарига фахрийлар учун бир пиёла чой устида «Икки авлод учрашуви»ни ўтказди. Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 500 минг сўмдан пул ва эсдалик соғвалар топширилди.

— Инсон кексайгани сари меҳр-оқибатга эҳтиёжи охиб бораверар экан, — дейди уруш қатнашчиси Эгамберди Ҳакимов. — Бугун ана шундай иззат-икром нафақат қариндошуруғ ва маҳалладошларининг, балки бутун халқимиз ва шахсан давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган экан, биз қариялар учун бундан ортиқ бахт йўқ.

ҚАШҚАДАР Едан Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилган 46863 нафар ўғлонларнинг 24786 нафари жанг майдонидан қайтмадилар. Аммо улардан 23655 нафарининг номи 1995 йилда чоп этилган «Хотира» китоби ва Қарши шаҳридаги Мотамсаро она ёдгўрлигида абадий муҳрланди. «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими фаоллари саъй-ҳаракати билан урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 1131 кишининг номи эса «Хотира» китобининг 2005 йили чоп этилган қўшимча жилдида киритилди.

— Уша суронли кунларни ҳали-ҳануз унутганимиз йўқ, — дейди қаршилик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тошпўлат ота Рустамов. — Мингмиглаб сафдошларимизга, афсуски, жонажон юртга қайтиш насиб этмади. Улар қонли жангларнинг бегуноҳ қурбонларига айланди, қахрамонларча ҳалок бўлдилар. Утганларнинг руҳини шод этиш — биз, тирикларнинг муқаддас бурчидир. Яратганга

шукр-ки, мустақил юртимизда кекса авлод катта ғамхўрлик билан қўраб олинган. Бунга жавобан улар ёшларни етук қилиб тарбиялашга ўз ҳиссаларини қўшаётдилар. Мана, ўн уч йилдирки, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини сифатида кенг нишонланиб, уруш қатнашчилари ва ногиронларига жуда катта ҳурмат кўрсатишмоқда. Қарши шаҳрида ўтганлар хотирасига эҳтиром рамзи сифатида «Эл-юрт таянчи» монументи ҳам яратилди.

Ҳа, қарияларини қадрлаган ва азиз билган уруш асло кам бўлмайдилар. Президентимиз томонидан «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши сафлари тобора сийрақлашиб бораётган отахон ва онахонлар кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Хотира ва қадрлаш кунини арафасида ёшлар, корхона ҳамда ташкилот раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари қариялар ҳолидан хабар олиб, дилдан суҳбатлашиб, уларга баҳоли кудрат ёрдам кўрсатдилар. Ҳомийлар ташаббуси билан вилоятнинг турли гушаларига кўнгилочар саёҳатлар уюштирилди.

Бу каби хайрли ва савоб ишларда O'zLiDeP фаолларининг ҳиссаси оз эмас, албатта. Жумладан, партия Косон туман кенгаши томонидан ташкил этилган ўзаро мулоқотда фидойи инсон, талбиркор Сулайт Ганиевнинг хотираси яна бир бор ёдга олинди, барча уруш ва меҳнат фахрийларига «Наврўз» ишлар чиқариш бирлашмасининг қимматбахо соғвалари топширилди.

Унутмас мени, боғим...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

— Оғир жангтоҳларда ярадор аскарларга тиббий ёрдам кўрсатиш асосий вазифамиз эди, — дея эслайди уруш ва меҳнат фахрийси, 92 ёшли Раҳима Умарова. — Не кунларни кўрмадик. Ёшлигимиз қон кечиб ўтди. Уруш тугагач, турмуш бирданга изга тушиб кетгани йўқ, албатта. Мамлакат қашшоқ, халқ оч эди. Фронтдан қайтган, иқтисодиётни изга солиш учун кеча-ю кундуз меҳнат қилишимизга тўғри келган. Мана, ҳаммаси ортда қолди. Бугунги дорилмомон кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Хотира майдони пойида туриб мен ана шуларни эсладим, эрк ва озодлик йўлида азиз жонини қурбон қилганларни яна бир бор ёдга олдим.

Шу ўринда истиқлол туйғайли мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида эҳтиром кўрсатилаётганини, улар ҳар томонлама эъозланаётганини таъкидлашни истардим. — Бугун шаҳар ва қишлоқларимизда 21 нафар уруш қатнашчилари, 700 нафардан ортиқ меҳнат фахрийлари бўлган аёлларимиз истиқомат қилишди, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Дупал Носирова. — Кексаларимизнинг ҳар бири жонли бир тарихдир. Улар ўтмишининг оғир ва суронли давларини ўз бошларидан кечиришган. Шу боисдан ҳам кекса авлод вакилларининг иззатини жойига қўйишга ҳаракат қилаёلمиз. Зеро, жамиятимизда инсон қадр-қиммати ҳамма нарсадан улғудир.

Шу кунни шаҳардаги «Муъжиза» ресторанида тадбир иштирокчилари учун тўкин дастурхон ёзилди.

НАМАНГАН вилоятида ҳам Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор тадбирлар, учрашуу ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Асосий тадбир Алишер Навоий номи вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бўлиб, маросимга уруш ва меҳнат фахрийлари, ички ишлар идоралари, жамоат ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаол ва фидойи вакиллари тақлиф этилдилар.

Вилоят ҳоқими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов, Республика Ички ишлар вазири ўринбосари Алишер Мирзаев иштирок этган тадбирда уруш қатнашчилари, истеъфодаги милиция зобитлари М.Салимгариев, М.Расулов, А.Абдуллаев, Р.Маҳмудова

Президентимиз фармони асосида пул мукофотлари, шунингдек, мустақилликни мустаҳкамлаш, эл осойишталиги йўлида ҳалок бўлган бир гуруҳ ички ишлар идоралари ходимларининг оила-аъзоларига қимматбахо соғвалар топширилди.

Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари эса тантанаварга ўзгача шукўқ бағишлади. Байрам арафасида O'zLiDeP вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ҳам маҳаллаларда, мактаб, қоллеж ва олий ўқув-юртларида туркум тадбирлар ўтказди. Шон-шухрат уйда ташкил этилган «Уч авлод учрашуви» эса кўпчиликда катта таассурот қолдирди, дейиш мумкин. Унда Абдусаттор Раҳимов, Соли Адашев, Набижон Мингбоев, Файзулла Йўлдошев, Михаил Фаёзов, Борис Ивановский, Сеиннеб Абдураҳмонов ва Фани Валиев каби ўнлаб ватандошларнинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги жасоратлари ёдга олинди.

Самсоқжон Низомов, Михаил Надиришин, Низомжон Сатторов ва Лилия Филавова сингари фахрийларнинг Намангандан 80 минг нафарга яқин йигитлар фронтга отлангани, улардан 37 мингдан ортиғи жангларда ҳалок бўлгани, кўплари бедарак йўқолгани, аммо улар номи Хотира китобига киритилгани ҳақидаги ҳикоятлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Уша суронли йилларда минглаб болалар Ўзбекистонга, шу жумладан, Наманганга эвакуация қилинган, бағрикент наманганликлар норасидларни худди ўз фарзандларидек меҳрибонлик билан кутиб олиб, уларга ўз уйларидан иссиқ жой, кийим-кечак, бир бурда нонларини аяманганлари ёдга олинди.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг бундай таъсирли кечинмалари ёшларда бугунги тинч ҳаётнинг, мустақил, озода ва обод Ватанининг қадрига етиш, уни кўз қорачинидек асраш туйғуларини уйғотди.



Суронли йиллар хотираси

Амин ота АЛИМОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Олмазор туманидаги «Сағбон» маҳалласи фаоли

— Уруш бошланган вақтда ўн тўққиз ёшга ҳам тўлмаган ёру йигитча эдим. Билим юртида ўқошни тамомлаб, туман тиббиёт бўлимида фельдшер сифатида ишлаб юрган кезларим — 1941 йилнинг 8 августида фронтга жўнадим. Душманга қарши мардонавор курашиб, ярадор бўлганларни даволашга, уларни оёққа турғазлашга, оз бўлса-да, ҳисса қўшдим.

Урушдан сўнг яна уч йил ҳарбий хизматда бўлдим. 1948 йилда уйга қайтган, тиббиёт институтига ўқишга кирдим. Олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, узоқ йиллар халқ хизматига бўлдим. Касбим туйғайли эл ҳурмати ва меҳрини қозондим. 2009 йилда эл-юрт олдидан камтарона хизматларим юксак баҳолашиб, Юртбошимиз фармонида асосан «Жасорат» медали билан тақдирландим.

Бугун эса озода ва обод мамлакатимизнинг фаровон ҳаётини кўриш насиб этганига минг бора шукроналар айтаман.

Икки ўғил, тўрт қизим бор. Ҳаммаси уйли-жойли, жамиятда ўз ўрнига эга. Уғилларим ҳам, қизларим ҳам меннинг изимдан бориб, шифокор бўлишди. 22 нафар набирам, 33 нафар эварамнинг барчаси йилгилса, хонадоним шўх-шодон қийқириқларга, уйин-култига тўлади. Улар билан ҳаётнинг нақадар тоғли эканини, тинчликнинг нечоғли азизлигини ич-ичимдан англайман.

Тадбир материалларини Озод РАҲАБОВ, Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ, Сайдулла ИКРОМОВ ва Комилжон ФАЙЗИЕВ тайёрлади.



Эҳтиром

МАНА, 13 ЙИЛДИРКИ, ИНСОН ШАЪНИ, КАДР-КИММАТИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТГА АЙЛАНГАН ОНА-ЮРТИМИЗДА ОСОЙИШТА ВА ДОРИЛОМОН КУНЛАР УЧУН ЖОН ФИДО ЭТГАН АЖДОДЛАР ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШАётган ЮРДОШЛАРИМИЗНИ, НУРОНИЙ ОТАХОНУ ОНАХОНЛАРИМИЗ ВА МЕХНАТ ФАХРИЙЛАРИНИ КАДРЛАШ АНЪАНАГА АЙЛАНДИ

Барча вилоятларда тарихий хотира ва юксак эҳтиром рамзи сифатида қад ролган «Мотамсаро она ҳайкали» мажмуалари атрофи 9 май — Хотира ва қадрлаш кунинда юрдошларимизнинг бош қадамжосига айланди. Шу кун бу ерда уруш фахрийлари ёнма-ён туриб жангдошларда ҳалок бўлган сафдошларини эсга олсалар, аксарият юрдошларимиз ота-боболари руҳини ёд этиш мақсадида ташриф буюридилар.

чет эл ваколатхоналари, корхона ва ташкилотлар жамоалари қатори Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар ҳамда сенаторлар ташриф буюриб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулданбарлар қўйдилар. О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.Тешабоев ушбу сани нишонлашнинг аҳамияти ҳақида фикр билдириб, бугунги дориламон

кунларнинг қадрига етиш, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ўзликни англаш, юртва садоқат ва ватанпарварлик ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар ҳамда сенаторлар ташриф буюриб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулданбарлар қўйдилар. О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.Тешабоев ушбу сани нишонлашнинг аҳамияти ҳақида фикр билдириб, бугунги дориламон

Устозлар ардоқда

9 МАЙ — ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЖУРНАЛИСТИКА ВА МАТБАА СОҲАСИДА МЕХНАТ ҚИЛГАН ФАХРИЙЛАР УЧУН МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗДИ

Шухрат Хўжаев,
«XXI ASR»

Юртбошимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш ва янги авлодда она-Ватанга садоқат, аждодларга эҳтиром туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган кечада 40 нафардан зиёд меҳнат ва уруш фахрийлари, шунингдек, бир қатор вазирилик ва идоралар вакиллари ҳамда талабалар иштирок этидилар.

дию ва телевидение, интернет нашрлари фаолият юритаётганини мамнуният билан тилга олдилар. — Йигирма йил муқаддам хусусий матбуот нашрлари ташкил этилиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам эта олмасдик, — деди тadbирда матбуот фахрийси Расул Раҳмонов. — Бугун эса матбуот дўконларидаги газета-журналлар муайян соҳаларга оид нашрларни кўриб, кўз қувонади. Уларни сотиб олаётган ўқувчиларни кузатиб, маърифат тарқатаётган ёш журналистларга ҳавасим келади. Энг муҳими, рангбаранг мавзуларни ёритишга ихтисослашган нашрларнинг ўз ўқувчилари бор. Демак, ҳамкасбларимиз меҳнати зое кетмапти.

лари билан ҳам ўртоқлашдилар. — Бугунги йиғилишда иштирок этган нуруний отахонларимизнинг ўзаро суҳбатлари, уларнинг бой ҳаёт тажрибалари, ўғит ва насихатлари ёшларга ибрат бўла олишини намойён этди, — деди Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Энг аҳамиятлиси, бу учрашув мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг асоси бўлган матбуот зиммасидagi вазифаларни яна бир бор таҳлил қилиш имконини берди.

Юзма-юз мулоқот чоғида матбуот фахрийлари бугунги кун журналистикасида қандайдиги ўз фикр-мулоҳазалари, қимматли маслаҳат-

Тадбир якунида фидойи қаламкашларга ҳомийлар томонидан пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қимматли қоғозлар бозори: қонунчилик такомиллаштирилиши керак

МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗ ЭҒАЛАРИНИНГ УМУМИЙ СОНИ 1 МИЛЛИОНДАН ЗИЁДРОҚНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ АЙНИ ДАВРИГАЧА МУОМАЛАГА ЧИҚАРИЛГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ ЯЛПИ ҚИЙМАТИ 6,9 ТРИЛЛИОН СўМ Бўлиб, келгусида ушбу кўрсаткичнинг 20 фоиз ортиши кутилмоқда

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳузуридаги Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш ахборот-таҳлил маркази, Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан ҳамкорликда ўтказилган «Қимматли қоғозлар бозоридagi муносабатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни ҳамда аҳамияти» мавзусидаги амалий семинарда соҳада олиб борилаётган ислохотлар таҳлил қилиниб, келгусидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

юяси илгари сурилиб, унда корпоратив бошқарув ҳамда назорат органларининг вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини аниқ белгилаш зарурлиги қайд этилган эди. Йиғилиш иштирокчиларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида акциядорларнинг кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш, «миноритар», яъни қўлида кам акцияси бўлган акциядорларнинг кафолатлари кўпроқ таъминланиши учун акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутувчи нормалар билан тўлдрилиши керак. Чунки ушбу жараён қатнашчиларининг ҳуқуқи қанчалик тўлиқ кафолатланса, қимматли қоғозларга бўлган қизиқиш шунчалик ошадди.



— Парламент кўйи палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари Концепсияда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар, — деди ўз сўзида О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М. Тешабоев. — Бу борада Марказий банк, Давлат солиқ ва Божхона кўмиталари билан ҳамкорликда туркум тadbирлар ташкил қилинаёпти. Уларда билдирилган тақдир ва тавсиялар асосида қонун лойиҳаларини янги нормалар билан тўлдирши

ларнинг қимматли қоғозлар бозоридa янада эркин фаолият кўрсатишларига оид механизмларни қайта кўриб чиқиш, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишни тақозо этмоқда. Давлат мулки кўмитаси раиси А.Абдуҳакимовнинг фикрича, қимматли қоғозлар бозоридa тadbиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар соҳада қўшимча даромад олиш имконини ҳам бермоқда. Бу эса тизимда акциядорлар ва инвесторлар сонининг кўпайишига олиб келаётган. Қонунчилик асосларини такомиллаштириш эса қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий

асос бўлиб қолиши шакл-шубҳасиздир. Тадбирда қимматли қоғозлар бозори мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўрни тутиши, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар аҳоли ҳамда тadbиркорлар учун қўшимча даромад манбаи эканлиги таъкидланиб, бу борадаги муносабатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг нуфузини янада ошириш масаласига эътибор қаратилди. О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва партия фракцияси аъзолари, соҳа ходимлари ва тadbиркорлар иштирок этган йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Газарак»лик саховатпеша

БУ ЙИЛ СУРХОНДАРЁЛИК НОСИРХОН ОТА ТўРАҚУЛОВНИНГ ФЕРМЕР СИФАТИДА ИШ БОШЛАГАНГА 17 ЙИЛ ТўЛАДИ. САРИОСИЁ ТУМАНИ, «ЎЗБЕКИСТОН» ҚИШЛОҚ ФАҚАРОЛА ЙИҒИНИДАГИ «ГАЗАРАК» МАҲАЛЛАСИДА ИСТИКОМАТ ҚИЛУВЧИ 77 ЁШЛИ ОТАХОННИНГ НОМИ БУГУН БУТУН МАМЛАКАТГА МАЪЛУМ. БУ УНИНГ МЕХНАТИГА МУНОСИБ БАҲО ҲАМДИР. ЖОРИЙ ЙИЛДА ЭСА ОТАХОН ЕТАКЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН «БОҒИ-БўСТОН» ФЕРМЕР ХўЖАЛИГИ «ТАШАББУС-2011» КўРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСКИЧИДА «ЭНГ ЯХШИ ФЕРМЕР» НОМИНАЦИЯСИ БўЙИЧА ҒОЛИБ, ДЕБ ТОПИЛДИ



Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Замонавий технологиялар тақдироти

Оролбўйи аҳолисининг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш, экологик тоза сув манбаларини яратиш борасида самарали иш олиб боришмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида бўлиб ўтган ичимлик сувини тозалайдиган замонавий технологиялар тақдироти ҳам шу масалага қаратилган билан аҳамиятлидир. Тадбирда йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва компаниялари вакиллари, банк ва солиқ идоралари, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари, «Зарубежнефтегаз» очик акциядорлик жамияти, «Нукус вино заводи» очик акциядорлик жамияти, меҳмонхоналар, рестороанлар ва кичик бизнес субъектлари вакиллари иштирок этди. — Бизда ишлаб чиқарилаётган кўплаб ускуналар сувни тозалаш ва унинг таркибининг тиклашга хизмат қилади, — дейди Жанубий Кореянинг «Хавижин» компанияси бош директори Ким Гил Соб. — Улар Оролбўйи минтақаси аҳолисинга катта наф келтирди, деган умиддамиз. Тақдирот маросимда ичимлик сувини тўлиқ тозалайдиган ва унинг таркибининг турли маъданлар билан бойитилган «HNA» филтёрлари, микробларга қарши курашиш хусусиятига эга «Happy Shower» душалари, болалар қўмида уларнинг баданини хлор қолдиқлари ва зарарли бактериялардан ҳимоялайдиган «Baby Ball» дончалари, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган «Return Q-304» филтёрлари ва бошқа жиҳозлар намойиш этилди.

«Сезон Продукт» ёшлар кўлида

Самарқанд вилоятида хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ўндан ортиқ корхона фаолият юритаётган бўлса, «Сезон Продукт» масъулияти чекланган жамият резинадан пойабзаллар тайёрлаётган ягона корхона ҳисобланади. Низом жамғармаси 217 минг АҚШ долларини ташкил этган ушбу корхонада 2009 йилдан буён полимер материаллар, яъни резина пойабзаллар ишлаб чиқарилаётти. — Хитойлик сармоядорлар билан биргаликда ўрнатилган 120 минг АҚШ долларлик дастгоҳлар бугун ўзини оқламоқда, — дейди жамият директори Шокиржон Жалилов. — Айни пайтда барча ёшдаги аёллар, эркаклар ҳамда болалар учун оёқ кийимлар ишлаб чиқараямиз. Мақсадимиз ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашдир. Бугун МЧЖда ишлаётган ходимлар 20 нафардан ошди. Уларнинг аксариятини эса касб-ҳунар коллежларини татомлаган ёшлар ташкил этаяпти. Ҳадемай яна 5 нафар битирувчи сифимизга қўшилади. Бундан ташқари, 4 нафар касаначи ердამилдан ҳам фойдаланаямиз. Ҳозир корхонада ойига 30 минг жуфт пойабзал тайёрланаёпти. Бу кунга ўртача минг жуфтдан кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти, дегандир.

Қарс икки кўлдан чиқади

O'ZLIDER «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТУРКУМ ТАДБИРЛАР ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР БИЛАН БАНК ТИЗИМИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув-семинарда ҳам асосий эътибор қашқадарёлик тадбиркор ва фермер аёллар имкониятларини янада мустаҳкамлашга қаратилди. Семинар бизнес оламига энди кириб келаётган опа-сингилларимиз учун эса том маънодаги йўл-йўриқлар дарсига айланди, десак хато бўлмайди. «Тад-

биркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» мавзусидаги ўқув-семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, «Микрокредит-банк» вилоят филиали, солиқ тизими, Савдо-санотат палатаси масъул ходимларининг иштирок этгани тадбиркорликни кенг тарғиб этиш, мулкдор аёллар эришаётган ютуқларни ёшлар ўртасида оммалаштириш имконини ҳам берди. Семинардан аввал шаҳар

ва туманларда фаолият олиб бораётган ёш ҳунармандлар маҳсулотларининг кўргазмаси намойиш этилди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бугунгача ўтказилган қатор семинарларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, йўл-йўриқлар асосида кўплаб хотин-қизлар ўз бизнес лойиҳалари бўйича дастлабки натижаларга эришдилар ҳам. Хусусан, иссиқхона ташкил этиш бўйича бизнес лойиҳа тайёрлаган қосонлик Шохи-


ста Аҳмедова «Микрокредитбанк» туман филиалидан 15 млн. сўм миқдорда кредит олиш учун ҳужжатлар расмийлаштиришга улгурган бўлса, қамшилик тадбиркор Шаҳноза Эшматова 30 млн. сўм миқдордаги кредит эвазига «Етакчи сардорлар» хусусий корхонасини очди. Нишонлик Холни-са Баратова эса гўзаллик салони очиш арафасида турибди. Китоб туманидаги «Тўлиқ ой» хусусий корхонаси раҳбари Ҳалима Усмонова ҳам қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини кенгайтириш учун «Агробанк»ка кредит олиш масаласида ҳужжатлар топширди.

— Аёлларни кўлаб-қувватлаш, фермерликка иштиққо баланд опа-сингилларимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтириш, олган билимларини амалиётда қўллашлари учун кўмаклашиш мақсадида вилоятнинг шаҳар ва туман кенгашлари томонидан ташкил этилган ўқув-семинарларда қарийб мингга яқин хотин-қизлар иштирок этдилар, — дейди вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати Исмигул Хушмурадова. — Фаол иш-

тирокчиларга эса туман ва шаҳар кенгашларининг сертификатлари ҳам топширилмоқда. Натижалар ёмон эмас. Масалан, ўтган ўн кунда 10 нафарга яқин хотин-қизлар ўз бизнес-режаларини тайёрлаб қўйдилар.

— Ана шундай фаол хотин-қизларимиз иқтисодиётимизни юксалтириш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшаётдилар, — дейди Касби туманидаги Пандирон қишлоғида яшовчи депутат Набира Ҳўжаёрова. — Туман аёлларининг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун ҳам етарли шароит яратишга эътибор бераёғимиз.

Маҳаллий депутатнинг эзгу ниятлари аслида вилоятдаги 11229 нафар O'zLiDeP аъзосининг дилида гаплар, десак хато бўлмайди. Партия аъзоларининг 2861 нафарини хотин-қизлар ташкил қилаётгани, улар орасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси, 2 нафар вилоят, 16 нафар шаҳар, туман кенгашларининг депутатлари борлиги ҳам Қашқадарёда O'zLiDeP аёллари эришаётган ютуқларга мисол бўлиши мумкин.



ФАРФОНАЛИК ТАДБИРКОР, O'ZLIDER АЪЗОСИ ГАМЛЕТ ҲАФИЗОВ МАХСУС ҚУРИЛМАЛАР ЎРНАТИЛГАН «LACCETI» ВА «NEXIA»ЛАРИНИ «ФАРФОНА — ТОШКЕНТ» ЙўНАЛИШИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ СИНОВДАН ЎТКАЗДИ

Зоҳиджон ТўРАЕВ,
O'zLiDeP вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири

Бошқа ҳудудларда бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам янги иш ўринлари яратиш, эски технологик анжумлар ва муҳандислик иншоотларини модернизация қилиш, замонавий сервис хизматларини йўлга қўйиш учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилгани тадбиркорликнинг жадал ривожланишига асос бўлмоқда.

Фарғона шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркор, O'zLiDeP аъзоси Гамлет Ҳафизов анчадан бери 200 та янги иш ўрни яратиш мақсадида «Фарғона — Тошкент» йўналишида хизмат кўрсатаётган жисмоний шахсларни «Фарғона-Тош-

кент Транс» масъулияти чекланган жамиятига бирлаштиришни ният қилиб келарди. Ниҳоят, унинг орзуси амалга ошди. Тадбиркор Ўзбекистон Дарё ва автомобиль транспорти агентлигидан аҳолига энгил автомашиналарда замонавий хизмат кўрсатиш учун лицензия олди.

Асосий иш Асакадаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилган «Lacceti» ва «Nexia» русумидаги автомашиналарга махсус кузатув мосламалари (навигаторлар) ўрнатишдан бошланди. Бу тадбиркорга ҳар бир автомашинанинг қаерда ва қандай тезликда ҳаракатланаётгани, ҳатто ундаги ёқилгининг қанча муддатга етиши ҳақидаги маълумотларини олиб туриш имконини берди. Бундай хизмат нафақат вилоятда, балки республика миқдoда ҳам янгилик эканини соҳа мутахассислари алоҳи-

да таъкидламоқдалар. Бу ҳали ҳаммаси эмас, тадбиркор фаолияти билан чуқурроқ танишаркансиз, йигирмага яқин энгил автомашиналар биринчи тез тиббий ёрдам учун зарур дори-дармонлар, махсус ўт ўчириш баллонлари ва бошқа кўтқарув анжумлари билан жиҳозланганига ҳам гувоҳ бўласиз.

Автомашиналарни техник кўриқдан ўтказишдан ташқари, ҳайдовчиларнинг тиббий кўриғига ҳам бирламчи эътибор қаратилаётган корхонада ҳар бир йўловчининг ҳаётини суғурта қилиш ҳам йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, «Фарғона-Тошкент Транс» масъулияти чекланган жамияти ўз миқдорини учун ҳар томонлама қўлай шароитлар яратиш орқали ҳам шу соҳада фаолият юритаётган бошқа ташкилотларга ўрнак бўлмоқда.

Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч

Баҳрин фарзанди

ЭРГАШ ОЧИЛОВ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ 1999 ЙИЛИ 14 ГЕКТАР ЕРДА БОШЛАГАН, ЎША ПАЙТЛАРИ АРАНГ 7-8 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛАР ЭДИ. БУГУНГА КЕЛИБ ЭСА ФЕРМЕРНИНГ 160 ГЕКТАР ЕР МАЙДОНИ БЎЛИБ, ПАСТ РЕНТАБЕЛЛИ ЕРДА ҲАМ ҲОСИЛДОРЛИК 35 ЦЕНТНЕРГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Мухаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

1952 йилда туғилган, O'zLiDeP Каттақўрғон туман кенгаши раиси, «Баҳрин» фермер ҳўжалиги раҳбари Эргаш Очиллов айни пайтда бошланғич партия ташкилотига ҳам етакчилик қилмоқда.

«Баҳрин» Каттақўрғондаги энг илгор фермер ҳўжаликларидан бўлиб, қишлоқ мулкдорлари кеёинги йилларда 95 гектар майдонга пахта, 50 гектарга эса буғдой экяптилар.

Фермер фақатгина деҳқончилик билан шугулланмай, ўз ўрнини жамиятнинг қизгин нуқталарида ҳам кўрмоқда. Мамлакатимиз ҳаётидаги туб бурилишлар, ислохотларга шунчаки томошабин бўлмай, O'zLiDeP ташкил топган илк йиллардаёқ биринчилар қатори партия сафинга қўшилди. Ўз ҳўжалигида бошланғич ташкилотга асос солиб, гайрати ва ишончи билан бошқаларни ҳам шу партия сифатида бўлиш, унинг гоя ва манфаатларини кўлаб-қувватлашга даъват этди. 2004 йилда ташкил этилган бошланғич ташкилот атрофида бугун 30 на-

фар аъзо бирлашган. Бир сўз билан айтганда, уларнинг барчаси партия ҳаётига бe-фарқ бўлмаган фаоллардир. Бош ҳисобчи Зокир Уроқов, ҳар куни бир неча бор дала айланиб, кўнгли тўлмайдиган Маммуржон Бердиев, Дилмурод Нуруллаев, экинларга сув тараб толиқмайдиغان сувчи Эшмурод Қодиров, ҳар йили 100 килограмдан ортиқ сифатли пилла топширишни қанда қилмайдиган Дилшод Комиллов бугун «Баҳрин» фермер ҳўжалигининг фидойи аъзоларига айланганлар, десак муболага бўлмайди. Ҳўжаликнинг ёш ишчиларидан бири, партия фаоли Маммуржон Бердиев эса фермер ҳўжалиги ҳомийлигида қишлоқ ҳўжалик коллежини тамомлади.

Ҳўжалик фаолиятини ўрганар эканмиз, бир неча йил илгари партия фаоллари «Баҳрин» қишлоғида 2-ТИП болалар спорт мажмуасини қуришни бошлаганлар, бугунга келиб эса қаровсиз, ташландик бино ўрнида замонавий спорт мажмуаси қад ростлаганига гувоҳ бўлдик. Фермер ана шу иншоотни мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида ўз эгаларига топ-



шириш режалаштирилганини фах билан тилга олди. — Қишлоғимизда 300 дан ортиқ оила бўлиб, уларнинг ҳар бирида қандаи икки-уч нафардан зиёд ўғил-қизлар улғаймоқда. Орунимиз ёшларимиз орасидан машҳур спортчилар етишиб чиқсин. Мажмуага ёш мураббийлар билан бирга нафақадagi устозларни ҳам жалб этиш ни-

ятидамыз, — дейди фермер. Баҳринликлар Эргаш Очилловнинг оиласи ҳақида ҳам илпик фикр билдирдилар. У турмуш ўртоғи, Ўзбекистон халқ маорифи аълосини Мавжуда Рашидова билан беш нафар фарзандни тарбиялаб, уларнинг муваффақиятларидан гурурланиш бахтига муяссар бўлмоқда. Қизлари Нигора ва Нилуфар

тибиёт ходими... Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Эргаш Очиллов бугун барча ҳавас қилаётган оила фермерлик бўлиш билан бирга мустақиллик туғайли пайдаланган қишлоқ мулкдорларининг мамлакатимизда етакчи кучга айланганини амалда исботлаётган фаол партия аъзоси сифатида ҳам кўпчиликка ўрнақдир.

O'zLiDeP
Матбуот хизмати
хабар қилади

СУРХОНДАРЁ. Шу кунларда мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан жойларда «Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан» шиори остида туркум тадбирлар ва даяра суҳбатлари ўтказилмоқда. Жумладан, вилоятнинг Ангор, Қизирик туманларида ташкил этилган тадбирларда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократия ислохотларини янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» на ундан келиб чиқадиган партиявий вазифалар хусусида фикр юритилди.

Сўзга чиққанлар Концепцияда илгари сурилган гоялар, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш, ахборот, сўз ва сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтла-

рини янада ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар бугунги кунда алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

ЖИЗЗАХ. O'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Дўстлик туманидаги Қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежида «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида ўқув-семинар ташкил этилди. Таъкидланганидек, ушбу лойиҳа хотин-қизларга ўз бизнес фаолиятларини йўлга қўйишда назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда. Семинарда илгор фермер, тадбиркор, ҳунарманд ва касаначи аёллар тажрибасини оммалаштириш, иқтисодий хотин-қизларга қўлай имкониятлар яратиш бериш ва уларни ҳар томонлама кўлаб-қувватлашга оид фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Мажмур лойиҳанинг «Қарвонлар тарихи» деб номланган якуний қисмида тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ фаол аёллар сўзга чиқиб, ўз тажрибаларини билан ўртоқлашдилар.

Тадбир голлибларига лойиҳанинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Кегейли, Тўртқўл ва Нукус туманларидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида «Ишбилармон ўқувчи» стипенди-яси учун ўтказилаётган кўриқтанловнинг дастлабки босқичи якунланди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирларда ёшларнинг мустақил фаолият юритиши, ўз бизнесини йўлга қўйиш учун жойларда зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг ижтимоий-снсий фаолиятини ошириш, жамоат ишларидаги иштирокни кенгайтириш юзасидан фикрлар билдирилди.

Ўқувчи-ёшлар томонидан ташкил этилган кўргазма иштирокчиларда алоҳида қизғинқиш уйғотди. Фоллиблар танловнинг вилоят босқичида қатнашш ҳуқуқини қўлга киритиш билан бирга партия ташкилотларининг дилдом ва қимматбаҳо совғаларини билан тақдирландилар.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчи босқич талабалари учун:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенгрок жалб этишга кўмаклашиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган махсус ўқув курсларини ташкил этади.

Мазкур тадбирлар жорий йилнинг апрель-май ойларида республикамизнинг барча минтақаларида ўтказилиши режалаштирилган.

Махсус ўқув сертификатларига эга бўлган ёшларнинг бизнес лойиҳаларига тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилади.

Қўшимча маълумотларни интернетдаги www.uzlider.uz сайтидан олишингиз мумкин.
«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ўқувларида иштирок этиш ва ўз бизнесингизни йўлга қўйиш.

ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ КўЛАБ-ҚУВАТЛАШ МАРКАЗИ

нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Фаолиятингизда бирер марома мизага келса, сизга иккиланмай бизга мурожаат этинг!

Мендеев Мирзо Улуғбек тумани, Қорасу-9 даҳаси 19 Ғ җйда жойлашган.
Тел: 8 (371) 285-90-48; 285-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru



Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

*Азиз отахон ва онахонлар!
Мустақил юртимизнинг энг
қутлуғ саналаридан бири сифатида
нишонланаётган 9 май — Хотира ва
қадрлаш куни муносабати билан
Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва
хотиржамлик, хонадонларингизга эса
қут-барака тилаймиз!
Фарзандларингиз, яқинларингиз бахти,
юртимиз равнақи учун яна узоқ йиллар
дуода бўлиб юриш
Сизларга насиб этсин!*

Марказ фармон ижросига жамоатчилик эътиборини қаратмоқда

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА O'ZLIDER СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИ ТАШАБУСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШДА КОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
«XXI ASR»

Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда қишлоқ мулкдорлари фаолиятини ривожлантиришга доир ишлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча имтиёзлар яратиш борасидаги Президент фармон ва қарорлари ҳамда қабул қилинаётган қонунларнинг ижросига асосий эътибор қаратилди.

Бугун бошқа ҳудудларда бўлганидек, Наманганда ҳам фермерлар ҳосилдорликни ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишга ташаббус қилинган, бунинг учун эса уларга кенг имкониятлар яратиш берилаётгани таъкидланди. Лекин, шунга қарамай, айрим ҳудудларимизда ердан мақсадли фойдаланмаётган, ихтисослашув мезърини бузётган, тайёрлов ташкилотлари билан тузилган шартномаларга амал қилмаётган фермер хўжаликлари ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Қонунларга амал қилаётган тадбиркор, фермерлар эса яратиш берилаётган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, ўз фаолиятларини тобора кенгайтирмоқдалар. Хусусан, вилоятнинг Учқўрғон туманидаги қишлоқ мулкдорлари фаолиятини бир тахлил этиб кўрайлик: туманда 399 та фермер хўжалиги бўлиб, улардан 245 таси пахта ва галлчиликка, 29 таси сабзавотчиликка, 40 таси эса чорвачиликка ихтисослашган.

— Хўжалигимиз 2003 йилда ташкил топган, — дейди «Журавой ҳожи Р.Ш.И.» фермер хўжалиги етакчиси Раҳбархон Жураева. — Халқимизда ерни боқсанг, ер ҳам сени боқадди, деган нақл бор. Она заминимиз саховатли, астойдил меҳнат қилсанг, у ҳам биз-



дан ўз меҳрини аямайди. Шу маънода Президентимизнинг «Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинган айни мuddо бўлди. Бу муҳим ҳужжат барча фермер хўжаликлари қатори бизнинг зиммамизга ҳам қатта масъулият юклайди. 54 гектар ерда асосан пахтачилик ва галлчилик билан шугулланамиз. Бундан ташқари, ёрдამчи хўжалигимизда 63 бош қорамол боқилади, 6 соғич иссиққонимизда эса лимон, помидор, бодринг етиштириляпти. Эндиги вазифа ердан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни оширишдир. Дарҳақиқат, ўтган йили мазкур фермер хўжалигида 89

тонна пахта, 65 тонна галла етиштирилди, шунингдек, 2,3 тонна гўшт, 7,4 тонна сут маҳсулотлари аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди. Энг муҳими, хўжалик йилни 32 млн. сўм соф фойда билан якунлади. Бу эса жамоада ишлаётган 25 нафар аъзонинг турмуш фаровонлиги ҳам йилдан-йилга юксалиб бормоқда, деганидир. Фермер хўжалигининг амалий ёрдами билан қишлоқда қасаначилик, тикувчилик, дўппидўзлик, пичоқчилик бўйича янги иш ўринлари яратилди. Улар ҳам фермер хўжалиги аъзолари билан тенг ҳуқуқли. ҳар бирига меҳнат дафтари очилиши, яъни хўжаликда ишлаб топилаётган даромаддан тўла манфаатдордирлар. Аҳил жамоанинг бундай ишлари, албатта, ўз самарасини бермоқда. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг республика босқичида «Журавой ҳожи Р.Ш.И.» фермер хўжалиги «Йилнинг энг яхши фермери» йўналиши бўйича фахрли учинчи ўринни эгаллагани ҳам ана шу эътирофнинг ёрқин намунаси. Партиясининг Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликдаги тадбирда ўз фаолияти давомида амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилмаётган фермерлар ўртасида амалдаги қонунларни кўпроқ тарғиб этиш, айрим назорат қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимликларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан азият чеكкан қишлоқ мулкдорларини ҳимоя қилиш биринчи қалдаги вазифа экани алоҳи-

да таъкидланди. Тадбир иштирокчиларининг фикрича, бугун ердан оқилона фойдаланмаётган қишлоқ мулкдорлари сони қанча кўп бўлса, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилган иш-хотлар самараси ҳам шунга яраша бўлади. Ана шундан келиб чиқиб, O'zLiDeP ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлиmlари партия электоратининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш ва уларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда жамоатчилик назорати институтидан самарали фойдаланмоқда. Йилнинг Президент фармонида белгиланган вазифаларни ҳаётга таъбиқ этиш, энг аввало, қишлоқларимизда етакчи кучга айланган фермерлар фаолиятини янада ривожлантириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятига асосан аралашувларнинг олдини олиш масаласи бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қашқадарё вилояти прокуратураси ҳам ушбу талабдан келиб чиқиб, жойларда изчил назорат тадбирларини амалга оширмоқда. Аммо шунга қарамай, айрим идораларнинг кичик бизнес фаолиятини йўлга қўйишда бюрократик тўсиқлар яратаётганлари ачинарли ҳолидир.

Жумладан, Қарши тумани ҳокимлиги ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси масъул ходимлари Ш.Нуриллаев, Н.Э.гамбердиев, М.Мақсудов ва бошқа шу каби 91 нафар юридик ҳамда юридик шахс бўлмаган фуқаролардан 6.594.000 сўм миқдоридagi давлат божи ва йигим тўловларини нақд пулда олиб, уни банк кассасига топширмасдан, ўз эҳтиёжлари учун ишлаб юборганлар. Кейинчалик эса бу маблағ пластик карточкалар орқали тўланган. Гарчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-357-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомда тегишли йигим пуллари рўйхатдан ўтказувчи органларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилиши кўзда тутилган бўлса-да, инспекция ходимлари бунга риоя этмай, 14.431.800 сўм маблағни ўзлаштириб, унинг талон-торож қилинишига сабабчи бўлишган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Қарши туман прокуратураси томонидан айбдор шахсларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, айни кунда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Текширишлар давомида маҳаллий ҳокимликлар томонидан ноқонуний қарор ва фармойишлар қабул қилиш ҳолатлари ҳам йўл қўйилаётгани маълум бўлди.

Мисол учун, «BISYOR UNIVERSAL BARAKA» хусусий корхонаси, «SARDOBA UNIVERSAL SAVDO» ва «JAYXUN UNIVERSAL BIZNES» масъулияти чекланган жамиятларнинг давлат рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот Қарши шаҳар статистика бўлими ва шаҳар ИИБга бир кунга кечкирилиб тақдим этилганлиги ҳамда бу билан тегишли Низом талаблари бузилганлиги аниқланди. Текшириш натижаларига кўра, ўзига юклатилган вазифани лозим даражада бажармаган шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш инспекцияси мутахассислари Ш.Қодиров, Н.Каримов ҳамда шаҳар статистика бўлими бошлиғи ўринбосари С.Жумаева нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Қарши шаҳридаги «Али Қамбар» хусусий фирмаси билан «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўба корхонаси ўртасида 2010 йил 30 ноябрда имзоланган шартномага кўра, етказиб берилган маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўлаш кўзда тутилган бўлса-да, шартнома талабига риоя қилинмаган. Оқибатда «Муборак газни қайта ишлаш заводи» корхонаси «Али Қамбар»дан 104.030.000 сўм қарздор бўлиб қолган ҳамда ҳисоб-китоб тўғрисидаги талабномалар эътиборсиз қолдирилган. Шу боис вилоят прокуратураси томонидан даввогар фойда-

сига жавобгардан 104.030.000 сўм миқдордаги асосий қарзни ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига давво аризаси киритилди.

Яна бир мисол. Қашаши тумани ҳокимининг тегишли фармойишига асосан «Ташаббус-2010» кўрик-танловини ташкил этиш ва уни ўтказиш учун 26 та хўжалик юритувчи субъект ҳомий этиб белгиланган. Ушбу жараёнда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 20 ва 34-моддалари талаблари бузилганлиги аниқланди. Туман прокуратураси томонидан мазкур фармойишнинг 4-бандини бекор қилиш ҳамда уни қонунга мувофиқлаштириш ҳақида протест келтирилди.

Текшириш натижаларини бўйича тадбиркорлик субъектларининг манфаатини кўзлаб, судга давво аризалари ҳам киритилмоқда.

Хусусан, Қашаши туманидаги «Азизхон Нуркулович» фермер хўжалиги билан «Қашаши ДҚК» ОАЖ ўртасида бошқоқ дон харид қилиш бўйича 674-сонли контрактация шартномаси имзолашиб, унга кўра, даввогар жавобгарга 8 тонна маҳсулот етказиб бериши, ОАЖ эса топширилган хом ашё ҳақини 60 кун мобайнида тўлаши лозим эди. Афсуски, шартнома талаблари бажарилмаган. Яъни етказиб берилган маҳсулот ҳақи узоқ вақт тўланмаган. Шу боис вилоят прокуратураси томонидан «Азизхон Нуркулович» фермер хўжалиги фойдасига «Қашаши ДҚК» ОАЖ ҳисобидан тўланмаган 1523650 сўм қарз суммаси ва 228,547 сўм жарима, 761825 сўм пеня ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига давво аризаси киритилди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган «Ишонч телефонлари»нинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида вилоятдаги теле ва радиоканаллар орқали махсус реклама роликлари намойиш этилмоқда, барча газеталарда эълонлар бериб борилмоқда. Жумладан, вилоят прокуратурасининг «Ишонч телефони»га «Бекзод» хусусий фирмаси раҳбари ўроз Бердиев кўнгирик қилиб, кредит олиш ҳақидаги муножаъти ўз вақтида қўриб чиқилмаганлиги, оқибатда қадастр маълумотининг мuddати ўтганлигини билдирган эди. Прокуратура идораларининг аралашуви билан фирмага 20 млн. сўм кредит маблағи ажратилиши таъминланди. Шунингдек, ўз вазифасини лозим даражада бажармагани учун мазкур банк филиали бошқарувчисининг ўринбосари Г.Кенжаев, етакчи мутахассис У.Раҳмонова нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Қашқадарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш мақсадида 2011 йил биринчи чоракда 26004,2 млн. сўм миқдорда кредит ажратилган.

Вилоят прокуратураси ходимлари мутасадди идоралар раҳбарлари ҳамда Савдо-саноат палатаси вакиллари билан ҳамкорликда жойларда амалдаги қонунчилик ижроси юзасидан зарур тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Уларнинг бевосита аҳоли билан 69 нафар шахсга 1228,5 млн. сўм миқдорда кредит, 3 нафар фермерга 14,7 гектар ер, 18 нафар тадбиркорга асарчилик ва деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун ер майдони ажратилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати.

Самара келтираётган сармоялар

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА БЎЛГАНИДЕК, ХОРАЗМДА ҲАМ ИСЛОҲОТЛАР ТОБОРА ЧУҚУРЛАШИБ БОРМОҚДА. «АГРОБАНК» ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИНИ МОЛИАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРГА ЯКИН МАДАДҚОР БЎЛИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНЯПТИ. БУНДАЙ ҲАМКОРЛИК ЭСА ЎЗ САМАРАСINI БЕРАЁТИР



Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Вилоятда қишининг совуқ ёзининг ҳаддан ташқари иссиқ келиши, шунингдек, ёнғингарчиликнинг кам бўлиши, умуман, деҳқончилик учун ноқулай об-ҳаво кузатилишига қарамай, маҳсулот етиштириш ортас, ортаятпикчи, камай-маяпти. Деҳқон ва фермерлар бу борада, энг аввало, «Агробанк»нинг молиявий кўмагидан умидвор. Чунки мавжуд 16894 нафар миқдорнинг 11389 нафари айнан қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш билан банд бўлганлар. Жорий йилда янги қишлоқ хўжалик техникалари харид қилиш учун 256,3 млн. сўм кредит ажратилди. Эндиликда фермерларнинг экин майдонларида экин шивов беришда ўз техникасидан фойдаланаётгани етиштирилган ҳосил таннархининг камайишига ва даромадининг ошишига олиб келмоқда.

Паррандачилик — етти хазинанинг бири, деймиз. Аслида ҳам шундай. Паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун қисқа мuddат орасида 284 млн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Бундан ташқари, банк томонидан ажратилган кредит ҳисобига наслиди қорамоллар харид қилинди. Ҳозирда улар фермер хўжаликларида намунали парвариланмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, жами кредит қўйилмалари 74417,8 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, унинг 32,1 фоизи қисқа ва 67,9 фоизи узоқ мuddатли кредитлардир. Банк томонидан инвестицион кредитлар ажратилиши ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўтган йили ой давомида турли соҳаларга йўналтирилган сармояларнинг 6543,4 млн. сўми айнан инвестицион маблағлар ҳисобига тўғри келди. Бу борада мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштиришга биринчи даражали эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йили бир неча қарздор корхоналар бошқарма ихтиёрига ўтказилган эди. Жумладан, Богот туманидаги «Машина-трактор парк» ДАЖ давлат реестриндан чиқарилиб, «Вог'от Агро» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди. Устав капитали 1 млрд. 700 млн. сўм қилиб белгиланган мазкур жамият асосан ер ҳайлаш, экин экиш, ҳосил йиғиш, озуқа тайёрлаш, майдонларни ўғитлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилди. Натижалар чакки эмас. Бугунги кунда 6 та «Магнум» русумли ҳайдов, 3 та

«КЕЙС» комбайни ва 2 та «ТТЗ-8011» тракторлари фермерлар хизматида. 2010 йилда боготликларнинг 43 нафари ушбу соҳада доимий иш ўрнига эга бўлган эди. Жорий йилда жамиятни молиявий соғломлаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар изчил давом етириляпти. Қолаверса, 5 дон янги «МТЗ-80», 2 та «ТТЗ-8011», 1 та «КЛАСС ДОМИНАТОР» комбайни сотиб олиш ва қўшимча 12 та иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Банкнинг Хонқа филиали хизмат кўрсатаётган Хонқа ДАЖ МТП негизда эса «Хонқаагротехсервис» ташкил этилгани ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. — «Агробанк»нинг беиннат ёрдами тўғрисида мазкур корхонага 42 млн. сўмлик инвестиция киритилган эди. Адашмаган эканми. Эришилаётган ютуқлар замирида малакали мутахассислардан иборат аҳил жамоанинг ҳалол меҳнати мужассамдир, — дейди бошқарма бошлиғи Муроджон Ачилов. Аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш вилоятда долзарб вазифалардан бири саналади. Шу мақсадда жорий йилнинг ўзида 3235,3 млн. сўм сармоя йўналтирилди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқа-

ришни кенгайтириш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Қисқа давр орасида 1611,6 млн. сўм маблағ ажратилиши ҳам фикримиз далилидир. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида ўрта қатламни ривожлантириш, хусусан, тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратиш масаласи устувор аҳамият касб этади. Хоразмлик «Агробанк»чилар шундан келиб чиқиб, ҳозиргача 1798,6 млн. сўм миқдордаги микрокредитни ана шу мақсадлар учун йўналтирдилар.

Пластик карточкалар тўловнинг қулай воситаси сифатида тобора оммалашиб бормоқда. Улар орқали савдо дўконларидан исталган нарсани харид қилиш мумкин. Ҳозирги кунда воҳодаги 310 та корхонанинг ишчи-хизматчилари «Агробанк» пластик карточкаларидан фойдаланишяпти. Банкнинг туман филиаллари томонидан эса миқдорларга 101976 та пластик карточка тарқатилган. Айни пайтда ушбу хизмат турини янада такомиллаштириш, аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш йўллари изланапти. Бир сўз билан айтганда, ўзининг 12 та филиали, 47 та минибанки ва 14 та махсус кассасига эга бўлган «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси давр талаблари-

дан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Миқдорларнинг банкка бўлган ишончи тобора ошиб бораётганининг боиси ҳам ана шунда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «Ёшлар қаноти» «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси учун кўрик-танлов ўтказилишини маълум қилади

Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, ўз бизнесини ташкил этишлари учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, академик лицей ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, мамлакатимиз келажаги йўлидаги интилишни, изланишлари, жамоат ишларидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «Ишбилармон ўқувчи» махсус стипендиясини таъсис этади.

- «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси совриндорлари танлов асосида қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади: — тадбиркорлик ва ишбилармонлик қўнимчаларини қай даражада ўзлаштирганлиги; — замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдаланиш борасидаги билимлари; — қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш борасида ишлаб чиққан инновацион лойиҳалари; — стипендия совриндори «агло» ўқиши, унинг партия фаолиятидаги фаол иштироки, намунали хулқи, етакчилик қобилияти, ёшлар билан ишлай билиши, миллий ва либерал-демократик гояларни қай даражада ўзлаштирганлиги.

Кўрик-танловнинг республика босқичида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган ўқувчиларга O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан ўтган ўқув йиллари натижалари (синов дафтари ҳисоб кўрсаткичлари) ҳисобга олинган ҳолда «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси берилади.

Азиз ёшлар! O'zLiDeP «Ёшлар қаноти» эл-юрт раънақи, Ватан манфаатлари учун фидойи бўлган, ўз тақдирини мамлакат тақдирини билан уйғунликда кўрайдиган ёшларни «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси учун ўтказиладиган кўрик-танловда иштирок этишга чорлайди.	«Ишбилармон ўқувчи» стипендияси учун 2011 йилда ўтказиладиган кўрик-танлов ЖАДАВАЛИ № Кўрик-танлов босқичлари ўтказиладиган мuddат 1. Биринчи (туман, шаҳар) босқич 20 апрель-15 май 2. Иккинчи (вилоят) босқич 15-25 май 3. Учинчи (республика) босқич 5 июнь
--	--

Маълумот учун телефонлар: 8 (371) 255-48-17, 255-08-21, веб-сайт: www.uzlider.uz

«ШЎРТАННЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



*барча уруш ва
меҳнат фахрийлари,
кекса отахон ва
онахонларимизга
сиҳат-саломатлик,
узоқ умр тилайди.*

*Сизлар босиб ўтган
машаққатли йўлни бугунги
авлод ҳеч қачон унутмайди.
Бахтимизга ҳамиша соғ ва
омон бўлинглар, азизлар!*



Беш миллиард чегара эмас

«DESK-INVEST» ЎЗБЕКИСТОН-АВСТРИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ФИНЛЯНДИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАРИ БИЛАН ЖИХОЗЛАНГАН БЎЛИБ, БУ ЕРДА БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИШ ҲАМДА УЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ УЧУН КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА, ПРОФНАСТИЛ, ЭГМА ПРОФИЛ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Шухрат ОХУНЖОНОВ,
«XXI ASR»



Уттан йили корхона ўз буюртмачиларига 5 млрд. сўм миқдоридagi, яъни 150 минг квадрат метрдан зиёд юқори сифатли металл черепица ва профнастил тайёрлаб берди.

Маҳаллийлаштириш давлат дастурига киритилган «Деск-инвест» қўшма корхонаси Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш ҳам режалаштирмоқда. Бу эса нафақат маҳсулот ҳажмини ошириш, балки қўшимча иш ўринлари яратиш имконини ҳам беради.

Мижозларга маъқул нархларни тақлиф этиб, улар ишончини қозонаётган корхона жамоасининг режалари катта. Энг асосийси, иш сифати ва самардорлигини янада ошириш, шу орқали қурилиш мате-

риаллар бозоридан муносиб ўрин эгаллашди.

Ҳозирда корхона маҳсулотларидан пойтахтимизнинг эски шаҳар қисмини таъмирлаш, шунингдек,

мамлakatимизнинг турли худудларида янги коллежлар ва бошқа ижтимоий иншоотларни барпо этишда фойдаланилмоқда. Бир сўз билан айтганда,

истеъмолчиларнинг мазкур корхона маҳсулотларига бўлган талаби унинг самарали меҳнат қилаётганидан далolatдир.

«GM Uzbekistan» етакчилар қаторида

Ўзбекистон 2011 йилнинг биринчи чорагида Россия Федерациясига автомобиль экспорт қилган энг йирик учинчи мамлакат, деб топилди.

Россия Федерациясининг Иқтисодиётни ривожлантириш вазирлиги томонидан тарқатилган маълумотларга кўра, мазкур мамлакатга жорий йилнинг дастлабки уч ойида 59 минг 960 дона янги автомобиль сотган Япония энг яхши натижани қайд этган бўлса, Москвага 19560 та «улов» экспорт қилган Германия иккинчи ўринни банд этиб турибди. Эътиборли томони шундаки, январдан мартга қадар Россия автомобиль бозорини Асака заводида ишлаб чиқарилган 18 620 дона машиналар билан тўлдирган Ўзбекистон бу борада Жанубий Корея (18470 та) ва Буюк Британия (17080 та) каби дунё автомобилсозлигининг йирик намоёндаларидан ҳам ўтиб кетган.

Шу ўринда йилнинг биринчи чорагида россиялик дилерларга 10820 дона «Nexia» ва 7350 дона «Matiz» сотган «GM Uzbekistan» кейинги ўн йилда мамлакат экспорт салоҳиятининг қарийб 7,6 маротаба ортишини таъминлаганини айтиб ўтиш жоиз.

Меньков ўз ўрнида

Ҳамюртимиз Вадим Меньков Познань (Польша) шаҳрида байдарка ва каноэда эшакка эшиш бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг дастлабки босқичида яна бир бора дунёнинг энг яхши каноэчиларидан бири эканини исботлади. Дастлаб яқкалик баҳсларининг 1000 метрга ўтказилган беллашуварларида барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медални қўлга киритган Вадим икки кишилик каноэларда ташкил этилган 500 метрли пойғаларда жамоалоши Мерей Медетов билан биргаликда иккинчи натижани қайд этди.

Бундан ташқари, каноэчиларимиздан иборат «тўртлик» 1000 метрга ўтказилган беллашуварларда кумуш медалга сазовор бўлганини айтиб ўтиш жоиз.

Ичганларга — жарима, ичмаганларга эса яшил чироқ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА БИР ҚАТОР ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЙЎЛ ХАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Ўз мухбиримиз

Жумладан, кодекснинг 15 та моддасидаги йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима миқдорлари оширилиб, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддатлари ҳам узайтирилди. МЖКнинг 125-моддаси тўлдирлиши муносабати билан эса эндиликда шаҳарлараро, халқаро йўловчи ташвиш автобуслари ҳайдовчилари босиб ўтилган йўл ва вақтни кўрсатувчи ускуна — тахографсиз ёки уни ўчирган ҳолда машина бошқарувчилари учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорига жаримага тортилганини бузганлар ҳам энг кам ойлик иш




ҳақининг беш баравари миқдорига жарима ундирилиши белгиланди.

Шу ўринда автомашиналарни маст ҳолда бошқарганлар учун қўлланиладиган жазо чоралари кескин кучайтирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Эндиликда бундай ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ой-

дан уч йилгача муддатта маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Агар худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилса, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорига жарима солинади ёки ўн беш суткагача муддатта маъмурий қамоқ жазоси қўлланилади.

Карвонсарой остидаги минг йиллик иншоот

БУХОРО ШАҲРИДАГИ МАҒОКИ АТТОРИЙ МАСЖИДИ ВА ТОҒИ ТЕЛПАКФУРУШОН ГУМБАЗИ ОРАЛИГИДА ЖОЙЛАШГАН КАРВОНСАРОЙ ОСТИДАН ТАҲМИНАН МИНГ ЙИЛ АВВАЛ БАРПО ЭТИЛГАН ҲАММОМ МАЖМУАСИ ТОПИЛДИ



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси матбуот хизматидан хабар қилинишича, «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали доирасида олиб борилган кўргазма-

ли археологик қазишмалар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ходимлари билан биргаликда ишлаётган бухоролик олимлар кутилмаганда янги топилмага дуч

келганлар. — Аҳамиятли томони шундаки, ушбу қазишмалар XVI-XX асрларда узоқ-яқиндан келган меҳмонлар учун хизмат қилган карвонсаройнинг баъзи қисмларини тик-


лаш мақсадида ташкил этилганлиги, — дейди Бухоро вилояти маданият мерос ёдгорликларини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Туйғун Бобоев. — Унинг остидан қадимги ҳаммомнинг чиқиши биз учун қутилмаган соғва бўлди. Тўғри, XII-XV асрларга оид ёзма манбаларда ушбу ҳаммом ҳар томонлама бақувват қурилгани, мураккаб иситиш тизимига эга эканлиги кўп бора тилга олинган. Аммо ундан кейинги давр китобларида мазкур мажмуа тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар қайд этилмагани боис, тарихчилар ушбу ҳаммом бутунлай бузилиб кетган, деган тўхтамда эдилар.

Маълумотларга кўра, тупроқ остида қолиб кетган бўлса-да, нисбатан яхши сақланган ҳаммом реконструкция қилинган, Бухоронинг яна бир диққатга сазовор саёҳлик объектига айлантирилди.

«SAM ROS HOLOD»

Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси қуйидаги замонавий қурилиш материаллари ва халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаради:

1. Пенополистиролни деворбоп металл сандвич-панеллар;
2. Пенополистиролни том ёпиш учун металл сандвич-панеллар;
3. Пенополистиролни цементли сандвич-панеллар;
4. Профнастил;
5. Металл профиллар;
6. Пенополистиролни плиталар;
7. Пластмасса ишчиқлар.



Манзил: 140300, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулшод кўрғони (иўнжақ: Самарқанд тумани қоғамлиғи). Директор: Шароф Акбар Раҳимович, тел.: (+9980) 555-89-89. Боғлаш учун: Маркетинг бўлими менежери Ўйбек Сўздуллоев, тел.: (+9980) 601-9-001, (+9980) 278-75-50. Факс: (+9980) 612-54-22, e-mail: info@samrosuzholod.uz

Називин®

ОКСИМЕТАЗОЛИН
ДЛЯ НОСОВ И НОСИКОВ

Показания

- Лечение острых респираторных заболеваний, сопровождающихся насморком;
- аллергический ринит;
- вазомоторный ринит;
- для восстановления дренажа при воспалении придаточных пазух полости носа, евстахиите, среднем отите;
- для устранения отека перед диагностическими манипуляциями в носовых ходах.

Регистрационное удостоверение П/Б-242 2800432; 5-250-68 8606180
Отпускается без рецепта врача
Синонимы: с. вестергейм
Имеются противопоказания.
Перед применением проконсультируйтесь с врачом.
Мерк КГА Германия для Никомед
Товар сертифицирован



Новый дизайн упаковки Називин

- Препарат от насморка для взрослых и детей с первых дней жизни
- Обладает продолжительностью действия до 12 часов
- Производится в Германии